

## А Ж Р И М

(жазони енгилроғи билан алмаштириш ҳақида)

2024 йил сентябрь ойининг 12 куни, жиноят ишлари бўйича Оҳангарон туман суди суд биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи С.Бобокулов, судья ёрдамчиси А.Каримовнинг котиблигида, тарафлардан Тошкент махсус прокурор ёрдамчиси С.Алимжанов, биринчи минтақавий ҳудуд 48-сон МК вакили Ф.Тўлаганов, адвокат Х.Мунавварованинг иштирокида, адвокат Х.Мунавварова томонидан маҳкум Абдукаримов Ойбек Комилжон ўғлининг ўталмаган жазо муддатини енгилроғи билан алмаштиришни сўраб ёзган илтимосномасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И :

Маҳкум Абдукаримов Ойбек Комилжон ўғли 15.12.1994 йилда Фарғона вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали 2 нафар фарзанди бор, судангунга қадар ҳеч қакрда ишламаган, қамалгунга қадар Фарғона вилояти, Бувайда тумани, МФЙ Жалоир, Истиқлол кўчаси, 12-уйда яшаган, муқаддам судланмаган.

Ушбу жиноий иши бўйича 27.06.2024 йилда жиноят ишлари бўйича Бувайда туман суди томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 219-моддаси 1-қисми, 140-моддаси 3-қисми “а” банди билан ЖКнинг 59-моддаси 2-қисмига асосан 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Жазони манзил колонияларда ўташ белгиланган.

Хукм 12.06.2024 йилда қонуний кучга кирган.

Жазо муддатининг бошланиши: 22.04.2024 йил

Жазо муддатининг тугаши: 22.10.2025 йил.

Хукм бўйича 5.000.000 сўм қарздорлиги мавжуд.

Маҳкум Абдукаримов Ойбек Комилжон ўғли 48-сон Манзил Колониясига 22.07.2024 йил куни 10-сон ТҲсидан этап бўлиб келган, келган кунидан бошлаб ётоқ жой ва иш билан таъминлаган. Муассасада ўрнатилган ички тартиб қоидалар ҳамда муассасанинг ҳудудий чегаралари билан ёзма равишда таништирилган.

Маҳкум Абдукаримов Ойбек Комилжон ўғли жазони ўташ мобайнида ички тартиб қоидаларини бузмаган ва рағбатлантирилмаган.

Маҳкум Абдукаримов Ойбек Комилжон ўғли суд мажлисида, содир этган жиноятини тўлиқ тушуниб етганлигини, қилмишидан пушаймонлигини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 74-моддасининг 2-қисмида жазони енгилроғи билан алмаштириш озодликдан маҳрум этиш, озодликни чеклаш ва ахлоқ тузатиш ишлари жазо турлари учун ўрнатилган тартиб-



қоида талабларини бажарган ва меҳнатга ҳалол муносабатда бўлган маҳкумга нисбатан қўлланилиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 74-моддаси 3-қисмининг “а” бандида жазони енгилроғи билан алмаштириш маҳкум ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини ўтаб бўлганидан кейин қўлланилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд, тўпланган ҳужжатларни ўрганиб, прокурор ва колония ходимининг илтимосномани қаноатлантириш ҳақидаги хулосасини тинглаб, юқорида қайд этилган қонун талабларига кўра ҳамда маҳкум Абдукаримов Ойбек Комилжон ўғлининг жазони ўташ даврида колония томонидан ижобий тавсифланганлигини инобатга олиб, ўталмаган озодликдан маҳрум қилиш жазо муддатини, енгилроғига алмаштириш тўғрисидаги маҳкумнинг илтимосномасини қаноатлантирилиши лозим топади.

Маҳкум Абдукаримов Ойбек Комилжон ўғлининг ўталмаган қисми мобайнида янги жиноят содир этган шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинланиши ҳақида тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 536, 542-моддалари ва ЖКнинг 74-моддасига асосан, суд

### **А Ж Р И М   Қ И Л А Д И :**

Адвокат Х.Мунавварованинг илтимосномаси қаноатлантирилсин.

Маҳкум Абдукаримов Ойбек Комилжон ўғлининг ўталмаган 1 (бир) йил 1 (бир) ой 10 (ўн) кун озодликдан маҳрум қилиш жазо муддати Ўзбекистон Республикаси ЖК 74-моддаси 3-қисмининг “а” бандига асосан ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат фойдасига ушлаб қолиш шарти билан шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилсин.

Маҳкум О.Абдукаримовга Ўзбекистон Республикаси ЖК 74-моддаси 7-қисми талаблари тушунтирилсин.

Жазони мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўташлик белгилансин.

Жазони ўташ муддати ажрим ижрога қаратилиб маҳкумнинг ойлик иш ҳақидан давлат даромадига ушлаб қолинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ажримнинг ижроси жойлардаги ИИБ Пробация бўлимига юклатилсин.

Ажрим устидан қонунда белгиланган муддат ичида шикоят ёки протест келтирилиши мумкин.

**Раислик қилувчи:**

**(имзо)**

**С.Бобокулов**

**Аслига тўғри:**

